

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ganiyev Shakhridin Vakhidovich

Professor of the Institute, "International School of Finance, Technology and Science" LLC

Nurmanov Ulugbek Anorbayevich

Professor DSc in Economics

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: Жорий активлар, пул маблағлари, товарлар, қийматни баҳолаш, юқори ликвидлик, ҳисоб-китоб, валюта, пул оқимлари, касса, маҳсус счётлар, пул оқимининг прогнози, камомад.

Аннотация

Жорий активлар қисқа муддатли ишлатиш учун мўлжалланган ва бир ишлаб чиқариш цикл давомида нақд пулга айлантириладиган маблағлар саналади. Шу сабабли уларни самарали ташкил этиш ва бошқариш учун қандай мезонларга кўра туркумланиши, тузулмаси ҳамда таркибий қисмлари ўртасидаги нисбат қандай бўлиши каби жиҳатларини ўрганиш долзарбдир.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2024 LWAB.

Хўжалик субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда жорий активлардан самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Жорий активлар ҳаракатига баҳо бериш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш ҳамда уларни хўжалик жараёнига жалб қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш муҳимдир. Жорий активларни ўрганишда пул маблағлари алоҳида ўринни эгаллайди. Бундай маблағлар касса, ҳисоб-китоб, валюта счётидаги пуллар тушунилади. Мазкур жорий активлар муносабатларини тўлов мажбуриятларининг бажарилишида бирламчи восита бўлиб ҳизмат қилади. Айниқса, ҳисоб-китоб ва валюта счётидаги маблағлар маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, ишчи-хизматчилар, бюджет, банк, суғурта ва бошқалар билан бўладиган алоқа манбаидир. Шу туфайли ушбу масала алоҳида ўрганилиши лозим.

Пул маблағлари ҳисоб-китоби – кредиторларга хўжалик субъектининг кредитга бўлган тиғиз талабини баҳолаш учун ва операцияларнинг давомида қисқа муддатли ссудаларни қоплаш учун етарли даражадаги пул маблағларини ишлаб топишга қодирлигини аниқлаш имкониятини беради, шунингдек, узоқ муддатли ёки қисқа муддатли кредитларга эҳтиёжи мавжудлигини аниқлашда ҳамда қарздорларнинг мавсумий тижорат цикли давомидаги молиявий эҳтиёжларини аниқлашда мажбуриятлар қопланишининг имкониятларини кўрсатиб беради. Хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш фаолиятини юритишда асосий ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасида активлар ва мажбуриятларни баҳолаш тартиби келтирилган. Шунингдек, ушбу қонун билан бирга бир қатор БҲМСлар ҳам жорий активларни ҳисобга олишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳисобланади. Хусусан, 9-сонли «Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот» номли БҲМС, 15-сонли «Бухгалтерия баланси» [1] номли БҲМСлар орқали жорий активлар ҳисоби тартибга солиб борилади.

Халқаро амалиётда нақд пул муомаласи 32-сон IAS ва 39-сонли «Молиявий-қимматли қоғозлар» ва 7-сон IFRS «Пул оқими ҳисоботлари» билан тартибга солинади.

Пул маблағлари тўғрисида хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазаларига тўхталиб ўтамиз.

Хорижлик иқтисодчи олимлар Spiceland, David J., James F. Sepe, and Lawrence A. Tomassini фикрича «Пул маблағлари ўз таркибига банкнотлар ва тангалар, ҳисоб-китоб счётларидаги қолдиқлар, шунингдек, ушбу счётларга кирим қилиниши бўйича харидорлар томонидан берилган чеклар киритилади. Пул маблағларининг ушбу кўринишлари корхонанинг қарзини қоплашга ёки жорий фаолиятда фойдаланишда ҳеч қандай ҳуқуқий ва шартномавий чекловларсиз осон қўлланилиши мумкин»[2].

В.Ковалев ва В.Патровларнинг таъкидлашларича, «Молиявий бошқарув санъати айнан шундан иборатки, счётларда минимал маблағлар суммасини қолдириб, қолганларини жорий операцион фаолиятда зарур бўладиган тез реализация қилинадиган активларда сақлашдир» [3].

И.Исманов, Н.Тошмаматов, С.Бузруқононларнинг фикрича «Корхонанинг пул маблағлари уларнинг ҳисоб-китобидаги, махсус счётларидаги ва кассадаги нақд пуллардан ташкил топади» [4] - деб таъкидлаган.

Ж.Курбанбаев ва бошқа ҳаммуаллифларнинг фикрига кўра эса «...жорий ёки айланма (оборот) (1 йил ичида истеъмол қилинади, ишлатилади, сотилади ёки пулга айлантирилади) активлар бўлиши мумкин. Пул маблағлари ҳар доим жорий (айланма) актив деб ҳисобланади» [5] - дея таснифлаган.

М.Рахимов фикрига кўра «Пул – бошқа товарлар, хизматлар қийматини баҳолаш воситаси, юқори ликвидликка эга бўлган товардир» [6] - деб таърифланган.

Хўжалик фаолиятини самарали бошқаришда пул маблағлари оқими тўғрисидаги ахборотлар муҳим рол ўйнайди. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар барча даражадаги бизнесменлар томонидан халқаро амалиётда кенг қўлланилмоқда, у корхоналар маъмуриятига ҳам, ташқи фойдаланувчиларга ҳам зарурдир. Хўжалик юритувчи субъект менежерлари мазкур маълумотлардан фойдаланиб корхона ликвидлилигини ўрганишда, дивидендларни белгилашда, иш ҳақи таъминоти ва бюджет билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши имкониятидан фойдаланишлари мумкин. Иқтисодиётда пул маблағлари чекланган ресурс ҳисобланади, шунинг учун корхонани муваффақияти кўп жиҳатдан унинг пул маблағларини самарали бошқариш қобилиятига сабаб бўлади.

Пул оқимининг прогнози камомад ёки ортиқча бўлишини улар пайдо бўлишидан олдин кутиш имконини яратади ва шу билан бирга амалга оширилган ҳаракатларни тузатиш учун етарлича вақт мавжуд бўлади. Хўжалик юритувчи субъект активларининг бир қисмини пул шаклида сақлаш ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва фойдали битим содир бўлган тақдирда пул маблағларидан дарҳол фойдаланиш имкониятига эгадир. Пул оқимларини прогноз қилиш учун қуйидагилар бўйича маълумотлар бўлиши зарур:

- мажбуриятларнинг миқдори ва муддати;
- келгуси йил давомида маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишнинг режалаштирилган ҳажми;
- ўтган даврдаги пул оқимларини миқдорий баҳолаш.

Ортиқча пул маблағларини келиб тушиши, маълум муддатга ва жорий мажбуриятларни тўлаш, инвентарларни сотиб олиш учун пул маблағлари тақчиллигини аниқлашда пул оқими тўғрисидаги ҳисобот керак бўлади. Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари билан биргаликда фойдаланувчиларга қуйидагиларни баҳолаш имконини берувчи маълумотларни олиш имконини беради:

- ✓ ўтган давр учун пул оқимларининг ўзгариши;
- ✓ соф активлардаги ўзгаришлар;
- ✓ ликвидлик ва тўлов қобилиятининг ўзгариши;
- ✓ хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг айрим турларининг самарадорлиги.

Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қобилиятини баҳолаш ва уларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун зарурдир. IAS 7-сон «Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот» халқаро молиявий ҳисобот стандартининг мақсади операцион (жорий), инвестицион ва молиявий фаолиятдан келиб чиққан пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг тарихий ўзгаришлари тўғрисида маълумот беришдан иборат эканлиги бежиз эмас.

Пул эквивалентлари қисқа муддатли (тўлов муддати 3 ойдан кам), юқори ликвидли инвестициялар бўлиб, улар осонлик билан маълум миқдордаги пулга айирбошланади ва улар қийматининг ўзгариши хавфи сезиларли эмас. Пул эквивалентларига қўйиладиган асосий талаб шундан иборатки, улар инвестиция ёки бошқа мақсадларда эмас, балки қисқа муддатли мажбуриятларни тўлаш учун қўлланилишидир.

Мамлакатимизда пул оқимларини таҳлил қилиш учун асосий ҳужжат «Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот»дир. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар прогноз қилинган дисконтланган пул оқимларини уларнинг жорий қийматлари билан таққослаш учун моделларни ишлаб чиқишга имкон беради. Пул оқимлари ҳақидаги маълумотлар кўпинча келажақдаги пул оқимларининг миқдори, унинг вақти ва аниқлик кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, эгри усул фақат хўжалик юритувчи субъектнинг операцион фаолиятига тааллуқлидир, чунки унинг бошқа турлари (инвестиция ва молиявий) учун ҳисоботнинг ушбу бўлимларида акс эттирилган маълумотлар ҳар доим тўғри усул асосида шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Ҳисоб-китобларнинг бошланғич нуктаси соф фойда/зарардир (солиқдан олдин ҳам фойда олиши мумкин, лекин кейин уни даромад солиғи учун мослаштириш керак). Сўнгра соф фойда/зарар миқдори ҳақиқий пул оқимини (олинган ва сарфланган) ҳисобга олган ҳолда маълум бир тарзда тузатилади ва уларни куйидаги расм орқали ифодалаш мумкин. Бунда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳар бир сатрини ҳисоблаш касса усули орқали трансформацияланади. Масалан, сотишдан тушган пул тушумларининг ҳолатини ҳисобга олсак, сотиш хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларининг кўпайишига олиб келади.

Аммо бу пулга ишлаб чиқарилганда содир бўлади ва агар товар сотилган бўлсада, лекин пул ҳали келмаган бўлса, ташкилот харидорларининг қарзи ортади. Бу ҳолат кўпинча сотиш вақти маҳсулот (ишлар, хизмат)лар жўнатилганда содир бўлади, унга кўра даромад ҳали пули олинмаган бўлса ҳам тан олинади (ҳисоблаш усули). Нақд пулнинг кўпайиши дебиторлик қарзлари тўлангандан (камайтирилгандан) кейин содир бўлиши мумкин, гарчи товарларни сотиш бўлмаса ҳам. Маълумки, харидорларнинг ҳисобот даврида сотилган товарлар бўйича қарзларини тўлаш деярли ҳеч қачон худди шу даврдаги сотишга тенг бўлмайди. Бундан ташқари, дебиторлик қарзлари умуман тўланмаслиги, жорий ҳисобот даврида эса ўтган даврда сотилган товарлар учун счёт-фактуралар тўланиши мумкин. Бундай ҳолат иш ҳақи бўйича кредиторлик қарзлари ва ундаги ҳисоб-китобларга ҳам боғлиқ. Масалан, ишчи ходимларга иш ҳақи ҳисоблангани билан, лекин тўланмаганлиги сабабли бухгалтерия ҳисобидаги харажатлар ошади (фойда камаяди), лекин аслида маблағлар сарфланмайди.

Бундан ташқари, куйидаги кўрсаткичлар фойдадан ушлаб қолиниши мумкин:

- облигация мукофотини қайтариш;

- кечиктирилган солиқ мажбуриятларини камайтириш;
- валюталарни қайта баҳолашда курс фарқларидан олинадиган фойда;
- қарам жамиятнинг соф фойдасидаги уллуш;
- асосий воситалар ва номоддий активларни сотишдан олинган даромадлар ва бошқалар.

Ўз навбатида фойдага қуйидагилар қўшилади:

- асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши;
- кечиктирилган солиқ мажбуриятларининг ошиши;
- активларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар;
- асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскиришидан келиб чиққан зарарлар;
- валюталарни қайта баҳолашда курс фарқларидан кўрилган зарарлар;
- облигациялар бўйича чегирмани тўлаш ва бошқалар.

Билвосита усулга мувофиқ, соф даромадни ўсишига қараб тузатиш киритилади, агар:

- активлар қийматининг пасайиши;
- мажбуриятлар миқдорининг ошиши.
- Аксинча, соф даромадга пасайтиришга тузатиш киритилади, агар:
- активлар қийматининг ошиши;
- мажбуриятлар миқдорини камайтириш.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ҳар уч тури (операцион, инвестиция, молиялаштириш)ни натижаси нақд пулнинг соф кирими (+) ёки соф чиқими (-) бўлиши мумкин.

Таҳлил учун тадқиқот объекти қурилиш соҳасидаги йирик ташкилот ҳисобланувчи «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларининг жорий активлар қиймати бир неча давр мобайнидаги маълумотлари жамланди. Ушбу маълумотларни эконометрик моделлаштириш учун STATA дастури танланиб, жорий активлар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар алоҳида ўрганилди, шунингдек товар моддий захиралар ва қисқа муддатли инвестициялар энг кучли таъсир этувчи омиллар эканлиги аниқланди.

Модел сифатлилигини баҳолашда қолдиқларнинг нормал тақсимотга эга эканлиги шартига ҳам алоҳида берилди. Бу шартни турли хил усулда текшириш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Stata» дастури орқали тузилган орқали ифодалаш мумкин. Мазкур регрессия тенгламаси таклиф қилган гипотезани асослаб беради. Қисқа муддатли инвестициялар ва товар моддий захираларнинг ўзгариш ҳолати билан соф тушум эконометрик моделлаштирилади. Бундан кўринадики, бозорда истеъмол талабининг пасайиши давом этаётгани нарх-наво ошишини чегаралаб турганлигига, қаердадир дефляция мавжудлигига қарамай, аввало, пул маблағларининг улкан эмиссияси ҳисобидан банклар ликвидлигини сақлаб туриш мақсадида банклар ва молиявий секторларнинг жуда катта миқдорда пул кредитлари билан тўлдирилиши бир қатор мамлакатларда инфляция жараёнларининг кескин кучайиб кетиш хавфини юзага келтирди. Бундай ҳолат хўжалик субъектларининг ҳам пул маблағларини тўғри бошқаришни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун. 2016 йил 13 апрель.
2. Spiceland, David J., James F. Sepe and Lawrence A. Tomassini. Intermediate accounting, 4th ed. Irwin: McGraw-Hill, 2009.
3. Ковалев В.В., Патров В.В., Быков В.А. Как читать баланс. - 3-е изд., преработ. и доп. - М.: «Финансы и статистика», 5-е изд., перераб. И доп.-М: 2006. - 672 б.
4. Ismanov I., Toshmamatov N., Buzrukxonov S. Moliyaviy hisob va hisobot. Darslik. – Т.: «Sano-standart», 2019. – В. 52.
5. Kurabayev J.E., Jumanazarov S.A., Halilov Sh.A. Moliyaviy hisob. O‘quv qo‘llanma. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2018. – В. 391.
6. Рахимов М.Ю. Молиявий ҳисобот таҳлили. Дарслик. – Т.: «Nihol print» ОК, 2021. – Б. 215.